2016 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 239 (13.302)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан "Ўзбекозиқовқатхолдинг", "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниялари, "Ўзбекозиқовқатзаҳира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси ва "Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган ярмарка фойдали мулоқот ва келишувларга бой бўлмоқда.

ЎзА олган суратлар

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

"Ўзэкспомарказ"да Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда.

Тадбир доирасида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги бир қатор саноат корхоналарига саёҳат уюштирилди. Унда ярмаркага келган хорижлик меҳмонлар, олимлар, мутахассислар қатнашди.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Marwin brends" масъулияти чекланган жамияти 2007 йилда фаолият бошлаган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада икки юзга яқин ходим меҳнат қилади. Маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш қатъий йўлга қўйилган. Кимёвий, биокимёвий, бактериологик текширувларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш учун замонавий шароитлар яратилган. Ана шундай синов босқичларидан ўтиб истеъмолчига тақдим этилаётган "Dena" савдо белгиси остидаги шарбатлар табиийлиги, хуштаъмлиги билан харидорларга манзур бўлаётир. Хорижлик меҳмонлар ушбу шарбатларнинг сифатига юқори баҳо берди.

– Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити бундай мазали, табиий, экологик соф, шифобахш мева-сабзавотларни етиштириш учун жуда қулай, – дейди Чунг-нам миллий университета профессори Жонг Ёнг Пёнг (Жанубий Корея). – Бозорларингиздаги тўкинлик кўзни қувонтиради, арзончилик ҳавасни келтиради. Ушбу ярмарка бу борада мамлакатингизнинг салоҳиятини кенг намойиш этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Asian jam" корхонасининг "Sempre" савдо белгиси остидаги мураббо ва шарбатлари ҳам барчага манзур бўлди. Корхонада йигирма турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологиялар жорий этилгани сифат ва самарадорлик омили бўлаётир. Сиғими қарийб уч минг тонналик замонавий технологиялар билан жиҳозланган омборда меваларни табиий ҳолда сақлаш имконияти мавжуд. Ушбу маҳсулотлар заводда қайта ишланиб, хилма-хил мурабболар тайёрланади.

– Заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар таркибидаги хилма-хил фойдали микроэлементлар инсон саломатлигини асраш ва умрини узайтиришда муҳим омил саналади, – дейди мазкур корхона раҳбари Сарвар Тошпўлатов. – Ушбу неъматларни табиий ҳолда истеъмол қилиш ниҳоятда фойдали. Бизнинг вазифамиз истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга кўмаклашиш. Энг илғор технологиялар билан жиҳозланган омборимизда мевалар табиий ҳолда сақланса, заводимизда кунига икки ярим тоннага яқин экологик тоза, табиий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилаётир. Маҳсулотларимиз экспорти йўлга қўйилган. Мазкур ярмарка хорижлик ҳамкорлар билан бу борада фойдали келишувларга эришиш, экспорт жўғрофиясини янада кенгайтириш учун қулай имконият бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган "GDF export" корхонасидаги замонавий шароитлар ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ушбу корхонанинг Тошкент, Сурхондарё, Наманган вилоятларидаги икки минг гектарга яқин экин майдонида экологик соф мева-сабзавот етиштирилади. Пойтахтимиздаги заводда мевалар қайта ишланади. Ушбу корхона мутахассислари анъанавий мева-сабзавотлар билан бир қаторда юртимиз учун ноанъанавий бўлган экин турларини ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш мақсадида олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Юртимизда етиштирилган маҳсулотларга хорижда эҳтиёж тобора ортиб бораётгани ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда инвестиция лойиҳалари асосида Термизда яна бир завод ишга туширилди. Мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, янги экин турларини ўзлаштириш, кўчатчиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

– Корхонамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади, – дейди "Сибагрохолдинг" компанияси вакили Павел Старюк (Россия). – Бироқ бизнинг табиий иқлим шароитимизда деҳқончилик қилиш учун мавсум анча чекланган. Май ойида иш бошланса, сентябрда ҳосилни йиғиб олиш талаб этилади. Ўзбекистонда йилнинг аксарият ойларида қуёшли кунлар кўп бўлади. Бу экологик соф, қуёш нурида тўйинган, фойдали микроэлементларга бой мева-сабзавот етиштириш учун катта имконият яратади. Мақсадимиз, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

Б.ХИДИРОВА

4 декабрь – сайлов куни

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувдаги нутқи чоп этилмоқда. Мазкур нутқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

(2-3-саҳифаларга қаранг)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоийда бўлиб ўтган "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим омили сифатида" мавзусидаги семинарда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг юқори савияда, қонунчиликка мувофиқ ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида ўтказилиши фуқароларнинг хоҳиш-иродасини тўлақонли ифодалашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

• Юқори Чирчиқ туманида 14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни муносабати билан "Биргаликда кучлимиз – ҳамжиҳатликда курашайлик" шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.

• Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Фарғона вилояти босқичида 53 нафар иштирокчи эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

• Бешариқ туманида "Тинчлик ва осойишталик учун барчамиз масъулмиз" шиори остида ўтказилган ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга бағишланган тадбирда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, имом-хатиблар, маънавият тарғиботчилари, нуронийлар, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Вьетнамда бир ҳафтадан буён тинимсиз ёғаётган ёмғир сабабли дарё қирғоқларидан тошиб, 12 та музофот сув остида қолди. Табиий офат натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди, 40 мингдан ошиқ турар жой, 12 минг гектар экин майдонини сув босган. Табиий офатдан жабрланган аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) йилнинг энг яхши ўйинчиси номига даъвогарларни маълум қилди. Ташкилот расмий сайтида келтирилган рўйхатдан жаҳоннинг йигирма бир нафар етакчи футболчиси жой олган. Бу борада ишқибозлар орасида кечадиган овоз бериш жараёни 22 ноябргача давом этади. 7 декабрь куни эса энг юқори балл тўплаган кучли учликнинг номи эълон қилинади. Голиб 2017 йилнинг 9 январь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтадиган тақдирлаш маросимида маълум бўлади.

• XXI аср охирларига бориб, глобал исиш оқибатида Европанинг жанубий қисмидаги курорт ҳудудлар, яъни Ўртаер денгизининг энг баҳаво жойлари сувсиз сахрога айланиши мумкин. Бундай фожиа глобал исишнинг бугунги суръати сақланиб қолса юз бериши мумкин. Бундай ҳолда Европа жанубидаги ўрмонлар шимолга ва тоғларга қараб силжийди, улар ўрнини эса бутазорлар эгаллайди. Худди шундай ҳолат АҚШнинг жануби-ғарбий ҳудудларида ҳам рўй бериши мумкин.

Сайлов – 2016

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Сайлов жараёнида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида семинар ташкил этилди.

Унда депутатлар, ҳуқуқшунослар, ахборот соҳаси ва сайлов жараёнлари экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров ва бошқалар жорий йилнинг 4 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқлик, ошкоралик каби демократик тамойилларга мувофиқ адолатли ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Фуқароларнинг эркин ҳоҳиш билдириши ва мустақил танлов ҳуқуқини амалга ошириши бевосита ахборот соҳасидаги ахборотни олиш ва тарқатиш эркинлигига асосланади. Мамлакатимизда сайловларда чинакам сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда оммавий ахборот воситалари демократик жараёнларнинг субъекти ҳисобланиб, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш даврида муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Сайловчиларни хабардор қилиш, сайловолди ташвиқоти воситаси ва жамоатчилик назоратининг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади.

– Сайловга оид тадбирлар нодавлат телерадиостанциялар томонидан ҳам изчил ёритиб борилмоқда, – дейди Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ижрочи директори ўринбосари Жамила Нуржонова. – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда ассоциация ўртасида имзоланган битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини нодавлат телеузатувчилар томонидан ёритиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унда жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга оид тадбирлар ҳақида холис ҳамда тезкор хабардор қилиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган телерадио маҳсулотларни тайёрлаш, уларни нодавлат телерадиостанциялар ва кабель студиялари орқали эфирга жойлаштириш назарда тутилган.

Семинарда сайлов жараёнини ишончли ва ҳаққоний ёритишда журналистларнинг касб маҳорати, сайлов жараёнида ахборот ва сўз эркинлигининг ҳуқуқий асослари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Г.САТТОРОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

МЕҲР-ШАФҚАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Тошкент шаҳрида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида мазкур қарор ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакили, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ё.Абдуллаев ва бошқалар миллий қонунчилигимизга мувофиқ мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишини таъкидлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Бош қомусимизда эътироф этилган бу тамойиллар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилди.

Халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топгани инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишларнинг ёрқин намунасидир. Амнистия замирида ҳам ана шундай эзгулик мужассам. Бу билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларнинг ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишида намоён бўлаётир.

– Амнистияга оид қарорда эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган, – дейди жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди судьяси Отабек Зуфаров. – Бугун қарорнинг ана шу тамойили асосида кўплаб маҳбуслар озодликка чиқарилмоқда. Бу ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлаётган кишилар учун юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиши учун берилган улкан имкониятдир.

– Қамоқда ўтган кунларимда юртим, яқинларим ҳаққи-ҳурмати тўғри яшашим зарурлигини, кирган йўлимнинг эртаси йўқлигини чуқур англаб етдим, – дейди бўстонлиқлик Диёр Зариддинов. – Аслида биз, ёшларга мамлакатимизда ўқиш, ишлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Бундан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз довруғини янада кўтаришга ҳисса қўшаётган тенгдошларим қаторида бўлиш ўрнига, ўғриликка қўл урганимдан қаттиқ пушаймон бўлдим. Давлатимизнинг мен каби адашганларни кечирганидан беҳад миннатдорман. Бу ишончни энди ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

Қарор ижросини таъминлаш жараёнида озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларда янгича ҳаёт, меҳнат шароитига кўникма ҳосил қилиш учун барча имконият ишга солинган. Жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий кўникма марказлари томонидан уларга ижтимоий-маиший, моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

ЎзА

4 декабрь – сайлов куни

МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Қадрли сайловчилар!

Бугун биз сизлар билан шу йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан учрашиб турибмиз.

Барчамизга маълумки, сайлов – халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, мазкур сиёсий жараёнда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир марта намоён этади.

Чунки, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэътироф этилган меъёрларга мувофиқ сайлов тизими шакллантирилди.

Шунингдек, замонавий ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодиётни вужудга келтириш, барча ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун, деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасидаги оламшумул ишларни бугун таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир.

Буларнинг барчаси, аввало, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – тараққий топган давлатлар қаторига кириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Энг муҳими, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш борасидаги бундай кенг кўламли ислоҳотлар юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан Тошкент шаҳрида тўла маънода ўз ифодасини топди.

"Шарқ дарвозаси", "Тинчлик элчиси", "Дўстлик шаҳри", "Халқаро анжуманлар маркази" каби номлар билан эътироф этилаётган кўҳна ва навқирон Тошкент мамлакат пойтахти, Марказий Осиёнинг маданий ва тарихий маркази сифатида обрў-эътибор қозонди.

Хусусан, Тошкент шаҳарсозликнинг Шарқ ва Ғарб анъаналарини ўзида мужассамлаштирган иншоотлари, муҳташам бинолари, кенг ва равон йўллари, обод маҳаллалар, тўкин-сочин савдо тармоқлари, сўлим истироҳат боғлари ва хиёбонлари билан барчанинг эътиборини жалб этмоқда.

Миллий ва замонавий услубдаги юксак меъморий ечимга эга бўлган Халқаро анжуманлар саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ҳамда Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази, Ёшлар ижод саройи, "Бунёдкор" спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Минор масжиди каби ўнлаб бино ва иншоотлар шаҳримизнинг нафақат кўрки, балки, ғурур ва ифтихоридир.

Бир сўз билан айтганда буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг **"Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ" деган сўзларини бугун Тошкент шаҳри мисолида айтсак айни ҳақиқат бўлади.**

Бугун, Тошкент дунёдаги йирик шаҳарлар билан бўйлаша олади, десак муболаға бўлмайди. Бунинг исботи сифатида 2007 йилда Тошкент Ислом маданиятининг пойтахти деб эътироф этилгани ёки Тошкентнинг дунёдаги яшаш учун энг яхши шаҳарлар рўйхатига киритилгани каби қатор мисолларни келтириш мумкин.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида 150 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи алоқалар ўрнатилган. 44 та чет эл элчихоналари, 300 та чет эл фирмаларининг вакиллари, 17 та халқаро ташкилотлар, масалан, БМТ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт ва ривожлантириш банки ва бошқалар фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, барча соҳалар ривожи учун талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда пойтахтимиздаги 40 га яқин олий ўқув юртлари муҳим ўрин тутади. Шунингдек, бу ерда юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Булар мамлакат келажагини ўз зиммасига оладиган билимли ва салоҳиятли ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай ободлик ва кўркамлик, жозибадор ва соғлом муҳит албатта ҳар бир инсонга куч, илҳом, ташаббускорлик бахш этади. Шу нуқтаи назардан, пойтахт аҳолисининг интеллектуал салоҳияти, янгиликларга интилувчанлиги, ҳар бир ишда энг замонавий ғояларни илгари суриши ва уларни ҳаётга тез татбиқ эта олиши каби алоҳида хусусиятларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрида 10 нафар фидойи инсонлар Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Бу ерда юзлаб фан докторлари, халқимиз ва дунё эътироф этган таниқли олимлар, санъаткорлар, спортчилар, ёзувчи ва шоирлар ўз имкониятларини рўёбга чиқармоқдалар.

Шаҳар аҳолисининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини эса бутун дунё эътироф этади.

Бундай халқнинг сиёсий онги ва тафаккури, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юрт келажагига нисбатан дахлдорлик туйғуси ниҳоятда юксак бўлиши табиийдир.

Ўз навбатида бу ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг асосий шарти бўлиб, айниқса сайловлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислоҳотлар янада чуқурлашаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли даврда бўлиб ўтмоқда.

Партиямиз ушбу сайловда Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишни кўзлаб фаол иштирок этишни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Жумладан, мазкур жараёнда илгари сураётган сайловолди дастуримиз ҳам партиянинг ғоялари ва дастурий мақсадларидан келиб чиқади. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг Парламентдаги кўпчилик – демократик кучлар Блокига нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилгани, бунинг натижасида муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларига асосланади. Булар:

- мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш;

- энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

- аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш;

- аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш;

- муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезони бўлмиш уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалаларидир.

Кўриниб турибдики, бизнинг **энг асосий ғоямиз – аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.**

Бу мақсадни самарали амалга ошириш учун қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарти, бу – уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун аввало, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, деб биламиз.

Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишга энг муҳим масала сифатида қараймиз.

Ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ижтимоий ва коммунал хизматларнинг сифатлилигини ва аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари учун мақбуллигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз, бундай кенг кўламли, ижтимоий йўналтирилган вазифаларни самарали амалга ошириш ва уларга эришиш мақсадида бир қатор устувор йўналишларни белгилаб олганмиз. Рухсатларингиз билан, эътиборингизни уларнинг мазмун-моҳиятига қаратсам:

Биринчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимининг замонавий усулларини жорий қилиш орқали доимий такомиллаштириб бориш зарур.

Бунинг учун энг аввало, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бири бўлишига эришиш керак.

Айниқса, ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун ҳар йили қабул қилинадиган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури ижросида янгича ёндашувларга ўтиш зарур. Бунда меҳнат бозоридаги талаб-таклифни тўлиқ ўрганиш, ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаш муҳим масаладир.

Шунингдек, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини таклиф этаётган, биринчи навбатда заминимиздаги бой минерал хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни таъминловчи юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш лозим.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзини ўзи мустақил иш билан таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш масаласини таклиф этамиз.

Ёшлар бандлигини таъминлаш борасида истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги "коллеж-корхона" алоқаларини йўлга қўйиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан боғлиқ равишда замонавий касбга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласи ҳал қилинишига эришиш керак.

Шу билан бирга, тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртлари талабаларининг таълим шартномалари тўловларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш амалиётини ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар тайёрлаш йўналишларини белгилашда корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, айни пайтда муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган, қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида солиққа тортиш тизимини ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

Сайловолди дастуримизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу масалани самарали ҳал этишнинг энг мақбул йўли – кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, деб ҳисоблаймиз. Бу борада меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланишларини таъминлаш ҳам диққат марказимиздадир.

Бундан ташқари, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш, турли имтиёзлар бериш орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги норасмий меҳнат муносабатларини қонунчилигимизда мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун тадбиркорларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш ҳамда давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарур.

Дастуримизда ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш, йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахслар (ногиронлар)ни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Иккинчидан, иқтисодий сиёсатдаги асосий устувор вазифаларимиз, бу – давлатимизнинг молиявий-иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш орқали аҳолининг, хусусан, унинг эҳтиёжманд қатламларининг турмуш даражасини янада яхшилашга йўналтиришдан иборатдир.

Бу борада партиямиз, аҳолининг харид қобилиятини ошириш ички талабнинг ортишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва иқтисодиётнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришнинг мустаҳкам асосидир.

Биз иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳимдир.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларида ушбу йўналишдаги оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига ички бозорни тўлдириш, нарх-наво ошишининг олдини олишга қаратилган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш ҳам ниҳоятда долзарб масаладир.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг йириклашишини рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини юритиш, корхоналарнинг таснифида "ўрта корхона" тушунчасини киритиш лозим. Чунки қонунчилигимизда белгиланган кичик ва йирик корхоналар томонидан ундириладиган солиқлар тизимининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва давлат бюджетини шакллантиришдаги иштироки катта фарқ қилади. Жумладан, йирик корхоналар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 44 фоизи ишлаб чиқилиб, улардан 89,8 фоиз солиқ ва тўловлар ундирилган бўлса, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,1 фоизни ташкил этиб, солиқ ва тўловлари 10,2 фоизни ташкил этмоқда. Кичик корхоналар томонидан ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари ҳам йирик корхоналар тўлаётганидан 2 бараваргача пастдир. Ҳозирги солиқлар ва имтиёзлар тизими кичик корхоналарнинг йириклашишига халақит қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 2-бетда)

Мазкур масалаларни тартибга солишда даставвал соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусан, кичик корхоналарнинг йириклашиш жараёнида катта солиқ юкламасига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида "ўрта корхона" тушунчасини киритиш, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар мезонларини белгилаш; кичик корхоналарнинг йириклашиши ва янада ривожланишига хизмат қиладиган солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур таклифлар шак-шубҳасиз, кичик корхоналарнинг йириклашишига, янги иш ўринлари яратишга, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили бўлган қурилиш соҳасини модернизация қилишга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Қурилиш ташкилотларининг кенг ривожланиши, бу соҳанинг замон талабига жавоб берадиган мутахассислар, техник воситалар билан таъминланиши талаб даражасида эмас.

Хорижий давлатларнинг қурилиш ташкилотлари бугунги кунда пудрат хизматлари экспорти билан жадал шуғулланиб, ўз давлатига валюта тушумини ошираётган бир пайтда, миллий қурилиш ташкилотлари бундай имкониятга эга эмас ва бундай талабларга жавоб ҳам бермайди.

Шунинг учун биз ўз сайловолди дастуримизда ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, қатор таклифларни илгари сурдик. Бизнингча, қурилиш ташкилотларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, янги технологияларни жорий қилиш, малакали мутахассисларни ёллашга имконият яратувчи шароитлар яратиш мақсадида солиқ юкини камайтириш; собиқ тузум давридан буён фойдаланиб келинаётган, эскирган қурилиш стандартлари, норма ва қоидалари ўрнига бутун дунёда амал қилиб келинаётган еврокодлар тизимига ўтиш лозим.

Қурилиш соҳаси ривожланиши истиқболларига мувофиқ етарли даражада малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш, уларни хорижий давлатларга малака оширишга юбориш бу соҳадаги дастлабки вазифалардан бўлмоғи лозим. Мазкур ислоҳотлар, авваламбор, янги инновацион технологияларни ва материалларни қўллаш, қурилиш хизмати бозорларида мамлакатимиз мутахассисларининг рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга, ўзбек компанияларининг хорижий қурилиш ва хизмат бозорларига чиқишларига шароит яратади.

Учинчидан, кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдамни асосан, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар ва болаларга йўналтириш ниҳоятда долзарбдир.

Шунингдек, маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини белгилаш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш зарур.

Тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг камхарж автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш, табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чиқиндилар ва ҳ.к.) нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш шулар жумласидан.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмини жорий этиш, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини турар-жой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, бу борада ўз бизнесини ташкил этишга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва фоизсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантириш ҳам яхши самара беради.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, мазкур устуворликка амал қилган ҳолда, етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш, жамият барча аъзоларининг ишончли ижтимоий кафолатлари таъминланиши масалаларида бизнес масъулиятини ошириш лозим.

Яна бир муҳим вазифа, бугунги кунда партиямиз электораторининг асосий қатламини ташкил этувчи жисмоний имконияти чекланган, турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган фуқароларимизнинг ижтимоий ҳаётга киришишлари учун барча шароитларни яратишдир.

Бугунги кунда ижтимоий объектларда, барча иншоотларда ногиронлар учун махсус кириш йўлаги – пандуслар бўлиши даркор. Янги қурилаётган объектларни лойиҳалаш ишлари, шунингдек, қуриб битказилган объектларни фойдаланишга топшириш жараёнида Ногиронлар уюшмаси иштироки қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, мазкур нормалар амалиётда ишламаяпти. Аксарият биноларда ногиронлар учун пандуслар умуман йўқ, мавжуд бўлганларининг аксариятидан фойдаланиш имконсиз. Пиёдалар йўлакчалари ҳам ногиронлар учун мосланмаган.

Мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида қатор чораларни амалга ошириш, хусусан, мавжуд барча бино ва иншоотларни, айниқса давлат идораларини ногиронлар кира олишлари нуқтаи назаридан хатловдан ўтказиш ва йўлакчаларни ногиронларга мослаш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш лозим.

Мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бораётганлиги натижасида йўллар, катта шаҳарларнинг кўчалари тирбанд бўлиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўли – пиёдалар йўлакларини капитал таъмирлаш; экологик тоза, соғлом турмуш тарзига замин яратувчи велойўлакларни қуриш ва тегишли инфратузилмани яратишдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, аҳолига юқори сифатли таълим олиш ва мақбул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳам доимо диққат марказимиздадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда **таълим соҳасида**, аввало, жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида, минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, коллежлар ва академик лицейларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш, корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб техник ва технологик мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш масаласини рағбатлантириш муҳим масаладир.

Ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш, педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис вақтинча ишламайдиган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш бугунги куннинг талабидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида эса аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу йўналишда, шунингдек, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти ҳамда дори-дармон воситалари нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш масалаларини таклиф этмоқдамиз.

Шу билан бирга, асосий дори воситалари рўйхатидаги дори воситаларининг давлат тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши ва айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлаш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ниҳоятда муҳим масаладир.

Бешинчидан, биз учун демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади.

Ушбу мақсадда, аввало, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш амалиётини изчил ривожлантириш зарур.

Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш, судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, фуқароларнинг судга мурожаат қилиши ва суд ҳужжатларини олишининг электрон тизимини жорий қилиш лозим.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳаволаки нормаларсиз қабул қилинишига эришиш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарорларни қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш, жойлардаги доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш таклиф этилади.

Аҳолига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида Ягона интерфаол давлат хизматлари порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш ҳам бугунги замон талабидир.

Олтинчидан, ташқи сиёсат масалаларида қўшни мамлакатларга нисбатан очиқ ва прагматик сиёсат юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташаббусларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш ниҳоятда муҳим.

Ташқи сиёсий фаолиятнинг яна бир муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишдаги фаол ва ташаббускор иштирокидир. Ушбу мақсадларда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Кўриб турганингиздек, Дастурда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинган.

Уларнинг рўёбга чиқарилиши, албатта, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади. Шу билан бирга, булар дунё билан бўйлашаётган пойтахтимизнинг янада равнақ топиши ва пойтахт аҳолиси ҳаёти даражасининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимни якунлар эканман, олдимизда турган шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизларга мустаҳкам соғлик, куч-ғайрат тилайман.

Сайловда барчангизнинг фаол иштирок этишингизга ишонамиз!

Эътиборларингиз учун раҳмат!

ХДП
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ - АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Спорт янгиликлари

Қувайтда ташкил этилган "Фьючерс" турнирида ҳамюртларимиз Санжар Файзиев ва Шониғмат Шофайзиев жуфтлик беллашувларини ғалаба билан бошлади.

ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИДА ЗАФАР ҚУЧДИ

Мусобақада иккинчи рақамда саралланган ўзбекистонлик теннисчилар дастлабки учрашувда эронлик Ҳамид Риза Надаф ва Ануша Шоҳғолий билан куч синашди.

Беллашувда рақибларидан ҳар томонлама устунлигини кўрсатган вакилларимиз 6:2, 6:3 ҳисобида зафар қучиб, чорак финалга йўл олишди.

МУРАББИЙЛИК КУРСЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Тошкентда 2 ноябрь куни Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё Футбол Конфедерацияси ҳамкорлигида ОФКнинг "А" тоифали мураббийлик курслари старт олди.

Ноябрь ойининг сўнгги кунларига қадар давом этадиган ушбу ўқув курсларида 24 нафар "А" тоифали мураббийлик лицензиясини қўлга киритишга даъвогарлар таҳсил олади. Улар қаторида Ўзбекистон миллий терма жамоаси собиқ ҳужумчиси Улуғбек Бақоев ҳам бор.

Семинарлар ФИФА ва ОФК инструктори Ислом Аҳмедов томонидан олиб борилмоқда. Унга "Бухоро" жамоасининг собиқ бош мураббийи Усмон Тошев ёрдамчилик қилади. Ўқув жараёни координатори — Шавкат Имомов.

Ботир ХЎЖАЕВ

ҚИТЪА МИҚЁСИДА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЎРИНДА

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан қитъамиз мамлакатлари миллий федерацияларининг янги рейтинги эълон қилинди.

Мамлакат клублари ҳамда миллий терма жамоалари натижалари асосида тузиладиган ушбу рейтингда Ўзбекистон футбол федерацияси тўққизинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Рейтингда Жанубий Корея карвонбошилик қилаётган бўлса, фахрли 2,3-ўринларни БАА ва Саудия Арабистони эгаллаган.

Жорий йилнинг 8-18 декабрь кунлари Японияда футбол бўйича 2016 йилги клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

ҲАМЮРТИМИЗ ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Ушбу нуфузли турнирни бошқариб бориш учун ҳар бир минтақадан биттадан ҳакамлар бригадаси жалб этилган. Қитъамиздан ушбу мусобақада баҳрайнлик ФИФА рефериси Навоф Шукруллоҳ етакчилигидаги ҳакамлар бригадаси фаолият олиб боради. Ушбу турнирда ФИФА томонидан футбол ҳакамлари ишини енгиллаштириш, қарорлар адолатлилигини таъминлашни мукаммаллаштириш мақсадида видеотакрорлар технологиясини амалда қўллаб кўрилади. Равшан Эрматов мусобақада қатнашадиган осиёлик ҳакамлар бригадасига видеотакрорлар бўйича ёрдамчи ҳакам сифатида бириктирилган.

УЧТА ЎЙИНДА УЧТА ҒАЛАБА

Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида футбол бўйича 19 ёшли қизлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатига саралаш турнирида иштирок этган Ўзбекистон қизлар терма жамоаси Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ушбу турнирда аввалига Тожикистон, сўнгра Гонконг қизлар терма жамоаларини бир хил — 3:0 ҳисобида енга олган Ўзбекистон қизлар терма жамоаси ҳал қилувчи учинчи баҳсда Хитой Тайпейи қизларини 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, гуруҳда биринчи ўринни эгаллади ва келгуси йили Хитойда 19 ёшли қизлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

БОЛАЛАРИМИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғин.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади.

Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ анжомида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари, жиҳозларни кулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаёти, соғлиғи ва ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчангизни фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраймиз.

Ғуломжон ПИРМАМАТОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/3-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 8-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 76,12 кв.м., 3 хонали турар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 278 815 395 сўм.

2. Аукцион савдосига Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/3-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 10-уй, 139-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 64,43 кв.м., 3 хонали турар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 256 911 649 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 декабрь куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 12 декабрь куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 ҳ/р га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

Мутахассис маслаҳати

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

Вирусли гепатитнинг А ва Е турлари – юқумли касаллик бўлиб, бунда вирус жигар ҳужайраларини жароҳатлайди. Вирус одам организмига оғиз орқали вирус билан зararланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, шунингдек, гепатит билан оғриган беморлардан юқади.

Касалликнинг юзага келишидан тозаликка риоя қилмаслик, яъни овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювмаслик, мева ва сабзавотларни ювмасдан истеъмол қилиш ҳамда қайнатилмаган сувни ичиш сабаб бўлади. Шунинг учун касаллик кўпроқ болаларда учрайди. Пашшалар касалликнинг юқишида етакчи рол ўйнайди. Биргина пашша ичаги, қаноти ва танасида миллионлаб касаллик қўзғатувчи микробларни, шунингдек, гепатит вирусларини ҳам ташийди.

Организмга вирус тушиши билан касаллик бирданига бошланмайди. Дастлаб вирус организмда кўпаяди. Бу давр клиник белгиларсиз кечади ва касалликнинг яширин даври дейилади. Бу давр гепатитнинг А ва Е турларида 3-6 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Кейин касалликнинг сариқлик даври бошланади. Бунда кўзнинг шиллиқ қавати, тери сарғая бошлайди. Сарғайиш даври 1-2 ҳафтагача давом этади.

Баъзида сариқлик аломатлари яққол кузатилмаслиги мумкин. Юқоридаги ҳолатлар юз берса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг. Касаллик қанча эрта аниқланса, даволаниш шунчалик тез самара беради. Ўзидан асорат қолдирмайди.

Касалликнинг яширин ва бошланғич даврларида, яққол сариқлик белгиларисиз турларида бемор атрофидагилар учун, айниқса хавфли бўлади. У ўзи билмаган ҳолда, оила аъзолари, айниқса болаларга касалликни юқтириб қўйиши мумкин.

Беморга бадандаги сариқлик ўтгунча, одатдагидан кўра кўпроқ суюқлик ичиринг. Унга газланмаган сув, наъматак дамламаси, унча ширин бўлмаган компотлар, оддий қайнатилган сув ичиринг. Бунда болага турли ширин тижорат ичимликлари (кока-кола, фанта ва бошқалар)ни бериш мумкин эмас.

Беморга қайнатиб ёки буғда димлаб пиширилган таомлар тавсия этилади.

Қовурма таомлар, думба, чарви каби ҳайвон ёғларидан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Парҳезга риоя қилиниши зарур.

Тўғри ташкил этилган парҳез жигарни зўриқтирмайди ва фаолиятининг тез тикланишига ёрдам беради.

Гепатит билан касалланган беморнинг идиш-товоқларини алоҳида тутинг. Идишларни, беморнинг ўйинчоқларини, ҳожатхона анжомларини, буюмларини доимо зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ювинг. Бунинг учун ҳозирги кунда замонавий зарарсизлантирувчи воситалар мавжуд.

Барчамиз фарзандларимиз соғлиги учун масъулдирмиз. Уларни кичиклигидан шахсий гигиена қоидаларига ўргатинг. Шундагина Сиз уларни нафақат гепатитдан, шунингдек, кўпгина ошқозон-ичак ва гижжа касалликларидан ҳимоя қилган бўласиз.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими жорий йилнинг

19 ноябрь куни соат 12.00 да 208-мактабда

26 ноябрь куни соат 12.00 да 279-мактабда

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш бўйича сайёр қабул ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Сиз тумандаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятига, ундаги таълим-тарбия жараёнига оид савол, таклиф ва аризалар билан мурожаат этишингиз мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 30 ноябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган такроран аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар, Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда сақланаётган 09.11.2015 йилдаги 27674/6-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. Daewoo Espero русумли, оқ рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01W072AA бўлган б/б – 23 760 000 сўм. 2.Тико русумли, оқ рангли, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 10 332 SAA бўлган б/б –15 213 944 сўм. 3.15.04.2016 йилдаги 12089/11-сонли ижро ҳужжати Матиз русумли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 01 O 681 GA бўлган б/б –20 433 018 сўм. 4. 23.07.2015 йилдаги 19124/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2101 русумли, қизил рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01 F 236 QA бўлган б/б -2 159 407 сўм. 5. 04.12.2015 йилдаги 37127/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 русумли, оқ рангли, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 10 H 941 HA бўлган б/б – 5 593 758 сўм. 6. 15.04.2016 йилдаги 16190/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21011 русумли, оқ рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01U894PA бўлган б/б -2 100 588 сўм. 7. 15.04.2016 йилдаги 16187/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 русумли, оқ рангли, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 50 T 514 GA бўлган б/б – 7 780 214 сўм. 8. 15.04.2016 йилдаги 19123/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21061 русумли, бақлажон рангли, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 R 897 JA бўлган б/б – 6 508 825 сўм. 9. 15.04.2016 йилдаги 16020/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2102 русумли, қаймоқ рангли,1974 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L 769 PA бўлган б/б- 5 580 403 сўм. 10. 15.04.2016 йилдаги 19120/6-сонли ижро ҳужжати ТИКО русумли, кўк металлик рангли, 1994 йилда и/ч, т/н, д/б 10 U 114 AA бўлган б/б – 10 856 342 сўм.11. 15.04.2016 йилдаги 19343 – 6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 русумли, оч кул рангли, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 01B 760 RA бўлган б/б –5 728 500 сўм. 12. 15.04.2016 йилдаги 27654/6-сонли ижро ҳужжати МАЗ-5432 русумли, яшил рангли, 1983 йилда и/ч, т/н, д/б 10B 946 AA бўлган юк автотранспорт воситаси б/б – 63 672 962 сўм.13. 15.04.2016 йилдаги 9247/19-сонли ижро ҳужжати МАТИЗ русумли, кумуш ранг хамелеон рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 D 638 KA бўлган б/б – 19 558 776 сўм. "Зафар-И" божхона омборида сақланаётган. 18.04.2016 йилдаги 12142/11-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21053 русумли, кўк рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б NA 33 RUS 8465 бўлган б/б – 4 973 000 сўм. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 30 ноябрда такроран ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 28 ноябрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача (соат 13.00-14.00 гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома № 05791

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2016 йил 26 октябрда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси бўйича

МАЪЛУМОТ

Жорий йилнинг 26 октябрь куни "Тошкент трамвайи" УКга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3А-уй манзилида жойлашган 3-депонинг бино иншоотларининг аукцион савдолари бўлиб ўтди.

Бошланғич баҳоси – 34 249 263 185,9 сўм бўлган мазкур кўчмас мулк ўтказилган савдо натижаларига кўра 35 750 000 000 сўмга сотиб олинди.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия № 0001. Тел: 228-84-48, 228-80-26.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 ноябрда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зararли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-922X

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5